

Хотин-қизлар ҳуқуқлари — доимий эътиборда



2



3

Шифокорлик шаънин улуглаётган Улуғбек

Ҳаммага яхшилик соғинган аёл



5



8

Ўқувчи сумкасидаги кўрқинчли суратлар

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



“ЮЛДУЗ” ЛИККА ДАЪВОГАР ЭМАСМАН



Дугоналари, тенгдош қизлар ҳали сезиб-сезмаган, илгашга ҳам улгурмаган сўз ва оҳанглари ўзича хиргойи қилиб юрганида кўплар ҳайрон қолишарди. Қизларининг санъатга бўлган иштиёқини сезган ота-онаси уни ҳеч иккиланмай Паркент туманидаги мусиқа мактабига олиб боришганида эндигина етти ёшда эди. Дастлаб уч йилча шу мусиқа мактабиди фортепиано бўйича таълим олган Юлдузин устозлари маслаҳати билан отаси Миразим Баратов пойтахтимиздаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаб-интернатига етаклаб келди. Дуторчилик синфиди ўқишни давом эттира бошлаган ёш иқтидор соҳибаси фидойи мураббий Насибохон Содикова кўлида санъат сирларини эгаллашга киришди.

4

Ушбу сонда:

Андижонда халқаро бизнес маркази очилди	2
270 нафар бола ё отасиз, ё онасиз яшашга мажбур	3
“Бисот” гилам деганими?	4
Кариялар уйидаги тўй	6
Иккала турмуши ҳам ноқонуний экан	6
Сартарошга соябон керакми?	7
Вояга етмаган ўғлим мусобақада қатнашиш учун хорижга чиқмоқчи	7
Дилдора... холамининг ёлғизи эди... ..	7
Марат Жумаев чемпионлик оstonасида	8
Бирданига уч олтин медални кўлга киритган қиз	8

Саксон ёшга кирган бўлса-да, ҳамон элдошу маҳалладошларининг қувонч-ташвишларига шерик бўлиб келаётган Жўрақул ота Собировни нафақат Шофиркон туманида, балки Бухоро вилоятида ҳам кўпчилик танийди, ҳурмат қилади. Нега десангиз, отахон ўзлари яшаётган Мирзоқул маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудиди оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиб, бузунги кунда ўн беш турдан ортиқ миллий қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Ўз оиласининг моддий манфаатдорлигини ошириш билан бирга, яна 8 нафар кишини иш билан таъминлагани ҳам эътиборга лойиқдир.

— “Данагидан маъзи ширин”, деганлари балки шу бўлса керак, — дейди Жўрақул ота неварасини эркалаб.

Шавкат СУЛТОНОВ сурат-лавҳаси.

Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар.
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 46-модда

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизлар ролини кучайтириш ва макрими ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кодекслар, қонунлар, умуман, 80 дан ортқ меъёрий ҳужжатлар бевосита аёллар ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Муҳими, миллий қонунчилигимиз бу борада халқаро ҳуқуқий меъёрларга ҳамоханлик касб этади.

Аёллар мамлакатимиз аҳолисининг яримдан кўпроқ қисмини ташкил қилади. Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлилиги, хусусан, таълимдаги жинсий тенглик Асосий Қонунимиз билан қафолатланган. 1997 йили қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунда ҳам касб танлаш ва барча ўқув юрларида таълим олиш бўйича эркеклар ва аёллар тенг ҳуқуқли экани алоҳида таъкидланган. Шу боис юртимиз аёллари барча жабҳаларда етук мутахассис, сенатор, депутат, раҳбар сифатида мам-

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини

Аёллар ҳуқуқлари — доимий эътиборда



лакат ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий фаоллигида ҳам кейинги йилларда сезиларли ўсиш кузатилаётди. Бунда вакиллик органларига оид сайлов қонунчилигида уларга қатор имтиёзлар белгилангани муҳим омил бўлмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига

сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддаси 4-қисмида сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши лозимлиги қайд этилган. Айни дамда хотин-қизлар Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида 22 фоизни, Сенатда эса 15 фоизни ташкил қилади (ваҳоланки, 2004 йили

17,5 фоиз, 1999 йили эса 8,2 фоиздан ошмаган).

Мамлакатимизда бевосита Юртбошимиз ташаббуси билан «Соғлом она — соғлом фарзанд — соғлом келажак» эзгу ғояси изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда, бу ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш ва таъминлаш билан узвий боғлиқ жараёндир. Яна шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида оналик ва болалик муҳофазаси борасида яратилган шарт-шароитлар даражаси бўйича юқори ўринларда тургани бежиз эмас. Бу яқинда Тошкентда бўлиб ўтган йиллик халқаро симпозиумда ҳам бот-бот таъкидланди. Қолаверса, юртимизда оналар ўлими 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими эса 3 баравар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини ҳам, энг аввало, бу борадаги ҳуқуқий асоснинг мустаҳкамлиги билан изоҳлаш ўринли, назаримизда.

Холида АКРАМОВА,
Тошкент шаҳар Миробод тумани ФХДЭ бўлими мудирини.

ЖАРАЁН

“Ҳамкор” иш бошлади

Андижон шаҳрида “Ҳамкор” халқаро бизнес марказининг очилиши вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётганининг ёрқин бир намунаси бўлди.

Замонавий лойиҳалар, халқаро андозларга мос тарзда бунёд этилган беш қаватли бизнес маркази кўҳна ва навроҳ шаҳарга ўзгача кўрк бағишловчи бинолардан бири бўлди, десак янглишмаймиз. Бу иншоот республика миқёсида 26 та филиал, 145 та минибанк ҳамда махсус шохобчага эга бўлган “Ҳамкорбанк” акционерлик-тижорат банки томонидан бунёд этилди. Бу ерда тадбиркорлар учун офислар, конференц-зал, ўқув маркази, меҳмонхона, ресторан, банк бўлими, кинозал, кафе-бар, қатор савдо дўконлари мавжуд. Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур марказнинг ишга тушиши билан кўплаб юрtdошларимиз доимий иш ўринларига ҳам эга бўлишди. Айниқса, тадбиркор аёллар учун бизнес билан шугулланиш, борадаги билим ва тажрибаларини ошириш учун имкониятлар янада кенгайди.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Андижон вилояти.

Бўлажак журналистларга эътибор

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида талабаларнинг малакавий амалиёт сессияси самардорлигини оширишга бағишланган иккунлик танловнинг тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида университет ректори Абдулла Исмоилов сўз олиб, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги ўрни мустаҳкамлашиб бораётгани, айниқса, малакали кадрлар тайёрлаш масаласида катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

“Жамият” газетаси бош муҳаррири Сирожиддин Раупов, “Хуррият” газетаси бош муҳаррири Уктам Мирзаёров, “Моҳият” газетаси бош муҳаррири Абдумажид Азимов ва бошқалар журналистикада назарида амалиёт уйғунлиги муҳимлигига тўхталиб, талабалар билан ўз ҳаётий тажрибаларини ўртоқлашди. Шу маънода тадбир маҳорат машғулоти ҳам айлиниб кетди.

Тадбир сўнггида танлов ғолиблари — Умида Раҳмонова (телевидение), Муҳрим Аъзам-хўжаев (интернет), Феруз Жўраев (илмий-оммабоп мақола), Усмон Абдураулов (спорт журналистикаси), Қумар Бекниязова (матбуот) ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди. Бир неча талабалар рағбатлантирувчи мукофотлар билан ҳам тақдирланишди.

Маъмура ЁҚУБОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

Мана, ўн тўққиз йилдирки, жамиятимиздаги ижтимоий муносабатлар мустақиллигимизнинг энг ширин меваси бўлган Конституциямиз асосида шаклланиб, ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Ушбу Асосий Қонун авлод-аждодларимизнинг асрлар давомида мустақилликка эришиш йўлидаги оғир-умидлар ушалганининг амалдаги тасдиғидир.

Янги Конституцияни қабул қилиш ҳақидаги ғоя бевосита Президентимиз ташаббуси билан халқимиз ҳали мустақилликни кўлга киритмаган 1990 йилнинг март ойларидан илгари сурича бошлаган эди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Юртбошимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарини ўқиган ҳар бир киши, муболагасиз айтиш мумкин, бу ташаббус ўша даврда ҳақиқий ватанпарварлик ва қаҳрамонлик намунаси бўлганига яна бир бор амин бўлади.

Барчамизга аёнки, ҳар қандай жамият, давлат доимий равишда ривожланиб, таракқий этиб борар экан, шу Ватанда яшаётган фуқароларнинг онги, тафаккур дунёси ҳам доимий суръатда бойиб, кенгайиб кетаверади. Демак, жамиятнинг Асосий Қонуни ҳам доғма бўлиб (қотиб) қолиши мумкин эмас. Бу ҳаётий ҳақиқатнинг амал-

даги исботини Конституциямиз мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда яшаётган барча қатлам вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати томонидан қабул қилинаётган қонунларни изчил ўрганиш ва амал қилишга алоҳида эътибор билан қарашмоқда. Уларнинг ҳуқуқий

Ҳаётбахш булоқ

онги ва маънавий олами йил сайин бойиб, юксалиб бораётганини эътироф этиш мумкин.

Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузасида илгари сурилган ғоялар, билдирилган таклифлар ва ҳар бир соҳа ходимлари зиммасига юклатилган долзарб вазифалар мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳасида ўтказилаётган туб ислохотларни янада чуқурлаштиришни назарда тутиб ва бу ҳужжат, муболагасиз айтиш керакки, давлатимизнинг келажакдаги демокра-

тик ривожига кўмак берувчи дастуриламал бўлиб қолади.

Тан олиб айтиш керакки, мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича эришилган натижалар фуқаролик жамияти қуришдек олий мақсадларимизга бугунги кунда тўлиқ жавоб бермаётгани учун ҳам Президентимиз томонидан ўз вақтида мазкур ҳужжат тақдим этилгани нуфузли давраларда кўп бора эътироф қилинмоқда. Ушбу маърузада белгилаб берилган олтинта йўналишдаги вазифалар давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ва ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, шунингдек, нафақат сиёсий партиялар, балки нодавлат нотижорат ташкилотларга ҳам берилган кенг ҳуқуқларни ўзида намоён этувчи ислохотларни амалга оширишда барчамиз учун ҳаётбахш булоқ бўлиб қолади.

Отабек БОБОКУЛОВ,
Тошкент давлат юридик институти магистри.

Бош Қомусимизни ўрганамиз

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бахтимиз Қомуси қабул қилинганнинг шонли 19 йиллик байрамга бағишлаб тадбирлар ўтказилмоқда.

қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларида уюштирилган мулоқотлар ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Бухоро. Шофиркон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабда 630 нафар ўқувчи таълим олади. Мазкур маърифат мактабида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирни мактаб директори Шаҳзода Остонава кичирди сўзи билан очди.

— “Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”.

Дарвоқе, Конституциямизнинг 41-моддасида баён этилган ушбу сўзлар келажак авлод тарбиясига ўта маъсуллик билан ёндашишимиз лозимлигини таъқозо этади, — деди мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ҳафиза Шамсиева. — Бугунги мактаб билан аввалгиларини таққослаб бўлмайди. Хусусан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Дастури асосида амалга оширилган ишлар барчамизнинг қалбимизни қувончга тўлдирди. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати тўғрисида, Бош Қомусимизнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси экани шубҳасиз.

Кашқадарё. Таллимаржон шаҳрида 12 мингдан ортқ аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда иккита умумий ўрта таълим мактаби, учта мактабгача тарбия муассасаси ва битта қурилиш касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Касб-хунар коллежида 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кун арафасида уюштирилган кечани коллеж директори Баҳодир Норчаев очиб, барчани ушбу кутлуғ сана билан самимий қутлади. Сўзга чиққанлар Асосий Қонуннинг IX боб, 41-моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга” эканига бежиз ургу берилмаганини, шунингдек, республикаимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида бугунги ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар замирида ҳам бевосита Конституциямизда қафолатлаб қўйилган кенг имкониятлар ётганини алоҳида таъкидлашди.

“Конституция — бахтимиз қомуси” мавзусида Нишон туманидаги саноат-энергетика ҳамда

Шавкат СУЛТОНОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.

“Ватан азиз, жасорат мангу” танловига

Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик шодиб-налари арафасида Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталига келган хушxabар жамoa ахлини янада қувонтирди. Президентимиз Ислom Каримов Фармонига биноан мукофотланган бир қатор тиббиёт ходимлари орасида бугунги мақоламиз қахрамони Улуғбек Расулов ҳам бор эди: унинг «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирлангани барчани севинтириб юборди.

Фарзанд тарбиясида, унинг камолот чўққилари сари одимлашида биринчи лавбатда ота-онанинг хизмати бекиёс. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, юзлаб ижодкорларнинг фидойи устози Абдуғафур Расулов ва умрининг қирқ йилини ёш авлод тарбиясига бахшида этган жонқуяр муаллима Раънохон Расулова оиласида улғайиб, вояга етган беш нафар ўғил-қизнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топган, зиёли, маърифатли инсонлар сифатида эл орасида обрў-эътибор қозонган, десак муболага қилмаймиз.

Профессор домланинг уч ўғлидан бири — Улуғбек ҳарбий шифокорлик касбига меҳр қўйди. Умумтаълим мактабини тугатгач, 1984 йили Россиядаги ҳарбий тиббиёт академиясига ўқишга кирди. Истиклолнинг дастлабки йилларида эса хизматини бошлади.

— Ота-онам доим бизнинг қизиқишларимиз, иқтидор ва имкониятларимизга инобатга олган, — дейди Улуғбек Расулов ўқувчилик даврини эслаб. — Менинг айнан ҳарбий шифокор бўлишимда эса қанчалик қадар бошлангич тайёргарлик фани ўқитувчиси Рауф ака Саидовнинг ўрни катта. У кишининг қизиқарли сабоқлари тўғрисида синфимиздаги ўғил болаларнинг тўқсон фоизи ҳарбий бўлишга аҳд қилган эди. Яна, ҳарбий шифокор бўлган икки кўшимизга ёшлиқдан ҳавас қилганман. Танлаган

...Сокин тун. Шаҳар аҳли ором оғушида. Соат иккига бонг урганда бемор қўзини очди. Буни кўриб, шифокор энгил тин олди. Ҳар гал шундай бўлади. Малакали жарроҳ, тиббий хизмат подполковниги Улуғбек Расулов жонлантириш бўлимидан чиқаркан, яна бир инсоннинг ҳаётга қайтганидан мамнун эди. Тун бўйи кўзи илинмадан бўлса-да, ўзида ҳорғинлик сезмади, аксинча, руҳи жуда тетик эди унинг.

Шифокорлик шаънин улуглаётган Улуғбек



Виктор Костенко, Талъат Исомухамедов, Шавкат Очилов каби ҳарбий тиббиёт даргалари — етук жарроҳлардан сабоқ олди.

— Тиббиётда кичик бир эътиборсизлик ҳам катта кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин, — дейди суҳбатдошимиз. — Устозларим беморлар билан қандай суҳбатлашишдан тортиб, аниқ ташхис қўйишга қадар бўлган жараёнлардаги ҳар бир катта-кичик сир-синоатларгача ўргатишган. Мен госпиталда хизматни бошлаган йиллари шифо-

йўлимини ота-онам ҳам қўллаб-қувватлашди. Мана, йигирма йилдирки, ўзим орзу қилган ҳарбий либосда тиббиёт соҳасида хизмат қилиб келяпман.

Йигирма йил... Кичкина муддат эмас, аслида. У бу йиллар оралигида ўз соҳасининг нозик ва сирли қирраларини эгаллаб бориш учун тинмай изланди, тиббиёт оламидаги қанча китобларга кўз нурини тўқди. Устозлари Рустам Саидов,

хонада бироз қийинчилик ҳукм сурарди. Бошқа миллатга мансуб малакали ҳарбий шифокорлар кетиб қолишган, кадрлар масаласи ҳам жиддий муаммага айланган эди. Беморлар кўп, тиббиётчилар эса оз эди. Аммо Ватан хизматига шайланган, ўз касбига садоқатли ҳамкасбларимиз барча қийинчиликларни мардонавор энгиб ўтишди. Мен тенги ёш кадрлар ҳам ўз устимизда тинимсиз ишлашдик, ма-

Оила муқаддас! Икки ёш никоҳини қонунан мустаҳкамлаб, катта ҳаётга қадам қўяди. Кейин шу онгача улар учун бегона бўлган, машаққатли турмуш синовлари бошланади. Ҳаётнинг паст-баландини билиб, ўрганиб оила қурганлар учун тўйдан кейинги кунларнинг бахтли лаҳзалари татийди...

Оила, никоҳ, тўй масалаларида ибратли жиҳатларимиз қанча кўп бўлса, одамни ўйлантирадиган, кенгашиб ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам талайгина. Шулардан бири эрта турмуш қуриш муаммосидир. Маълумотларга кўра, бундай оилалар орасида ажралиш ҳолатлари нисбатан кўп учраб экан.

Ютуқ яхши, ютқизик-чи?

— 2010 йил мобайнида никоҳни бекор этиш бўйича 533 та даъво аризаси келиб тушди, — дейди **Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди судьяси Одинахон Абдуҳалиқова**. — 415 та ариза ортида вояга етмаган болалар тақдирини турибди. 399 та муружаат юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари 270 нафар вояга етмаган фарзанднинг ё отасиз, ё онасиз яшашига сабаб бўлди. Боласининг тақдирига бефарқ уларга тўлақонли оилавий муҳит яратиб беролмаган ота-оналарни қандай кеңириш мумкин?

Ажралишлар сабаби тахлил қилинганда, кўпинча ёшларнинг эрта турмуш қуриб, оила масъулиятини тўла тушуниб етмагани муаммо илдизи экани ойдинлашди. Лицей-коллеж битирувчилари энди 17–18 ёшга кирган бўлади. Иқтисодий тарафини кўя туринг, бу ёшдаги ўсириллар жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳам оила қуришга тайёрми? Ҳомилдорлик асоратлари ёш қизларда оптимал туғиш давридаги (22–29 ёш) аёлларга нисбатан бир неча баробар кўп учраб экан. Рухий тайёргарлиқнинг етишмаслиги ҳам эрта турмуш қурган жуфт-

ликларда тез-тез кўзга ташланмоқда.

— 17–18 ёшда қизларда муҳим физиологик жараён кечаётган бўлади. Утиш давридаги руҳий ўзгаришлар ўсирининг бегона хонадонга бориб, ўзга бир оилавий муҳитга мослашишига ҳалақат беради, — дейди **Жиззах шаҳридаги 1-сонли оилавий шифохонанинг аёллар шифокори Сайёра Умарова**. — Келинининг елиб-югуриб қилган хизматини кўришни орузуламаган қайнона бўлмаса керак. Ёш келинчак болалиқни бетаъшиш оламиндан катта ҳаётга ташлаган илк қадамидеяк руҳий исканжада қолади. Устига устак, ҳали тўлиқ вояга етмаган, суяк тўқималари мўрт қиз энди ҳомилдорликни ҳам бошдан кечиради. Табиийки, бу ҳол оғир, асоратли кечади.

Тўғри, эрта турмуш қурган барча жуфтликлар тақдирини ҳам бир хил бўлавермайди. Катталар ёрдами билан, баъзан ўзларининг тиришқоқлиги тўғрисида бахтли яшаб кетган оилалар ҳам кўп. Лекин илм олиш, хунаргўнаниш учун имкониятлар етарли бўлган бир даврда яша-йимиз. Шу боис шошилмасдан, бирор касб-корни эгаллаб,

оиланинг қадрига етадиган пайтда турмуш қуриш яхши эмасми? Бу саволни кўпроқ ёшларга бергимиз, жавобини ҳам уларнинг ўзларидан эшитгимиз келади.

Раъно Гуломова:

— Уйлашмоқча, йигитлар 24–25, қизлар 22–23 ёшида оила

ДОЛЗАРЬ МАВЗУ

қургани маъқул. Йигитларимиз ҳали бир ишнинг бошини тутмасдан оилани бўлиб оладилар. Кейин эса рўзгорининг иқтисодий таъминотига қийналиб, болалари бўй етиб қолса ҳамки, ўзлари ота-оналарининг этагидан тутиб юрадилар!

Бобир Орзикулов:

— Шаҳсан мен ўз тенгқурларимга эртанги кунини тўла тасаввур эта оладиган даражага етгач, яъни 25–26 ёшда оила қуришни маслаҳат берган бўлардим. Шундагина ўзлари ҳам қийналмайди, фарзандлар ҳам соғлом туғиладди. Энг муҳими, бундай оила мустаҳкам бўлади.

...Яна бир муаммо борки, бу ҳақда қанча кўп гапирилса-да, лектин натижаси кўнгилда-гидек эмаслиги гоят ачинарлидир. Мисолларга муружаат этайлик: 2010 йили Жиззах туман ФХДБ бўлимида 27 та никоҳ ажрими далолатномаси қайд этилган. Сабаб — фарзандсизлик, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ва эрта турмуш қуриш!

Қариндош-уруғлар ўртасидаги қудда-андачилик масаласи яхшиликка олиб бормаслигини

тиббиёт ҳам, ҳаётий тажриба ҳам қайта-қайта исботламоқда. Маълумотларга кўра, бундай оилаларнинг 12 фоизида фарзандлар ногирон бўлиб туғилар экан. Биз қолган 88 фоизга қирамиз, дея кўнгилга таскин берманг! Мутахассислар 48 фоиз болада ногиронлик вақт ўтиб, биринчи фарзанда кузатилмаса, кейингиларида албатта тақрорланиши бежиз таъкидлашмаётир.

Афсуски, бу ҳам бизга таскин беролмайди. Ҳозир кўзни қувнатиб турган соғлом фарзандларнинг етти авлодигача ногиронлик таҳдид солиб туради, дейишса ишонмаслигини аниқ! Аммо бу айни ҳақиқат!

— Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғилаётган гўдақларда қуёллаб, танглайнинг битмай қолиши, ақлий заифлик кўп учрайди, — дейди гинеколог Сайёра Умарова. — Бирламчи ва иккиламчи бепушлик, ҳомиланинг ўсмай қолиши, муддатига етмай туғилиш ҳам шундай никоҳлар асоратлари ҳисобланади.

Минг афсуски, кўпинча яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ борди-келдини мустаҳкамламайди, балки ошана-огайнилар орасига юз кўрмаслик солади. Ютишдан кўра ютқизиш эҳти-моли балинд таваккалчиликка бориб, бир неча инсон тақдирини жарлик сари етаклаб тўғрими? Ахир, бир оиланинг бузилиши ўн оилага татийди-ку! Бу дунёда эса ҳаёт сценарийсини тўғри ёза билганларгина, кўзланган манзилга адашмай-қоқилмай етиб борадилар.

Сайёра БҮРОНОВА, журналист. **Жиззах вилояти.**

лака оширдик, хорижий давлатларга бориб, тажриба орттириб қайтдик. Ўзим 1997 йили Москвада, 1999 йилдан 2001 йилга қадар Германияда қон томирлари жарроҳлиги бўйича малака оширдим. Ҳозирги кунда марказий ҳарбий клиник госпиталимиздаги ҳар бир шифокор юқори малакага эга, десам янглишмайман.

Мана, йиллар ўтиб, тиббий хизмат подполковниги Улуғбек Расулов номи эҳтиром билан тилга олинмаган ҳарбий шифокорлар сафидан жой олди. Шогирдлари — тиббий хизмат подполковниги Собир Ҳайдаров, тиббий хизмат катта лейтенанти Дилшод Фуломов, Шаҳноза Ганиева каби иқтидорли жарроҳлар ҳам ўзларининг беминнат хизматлари тўғрисида обрў қозонишган.

Давлатимизнинг «Меҳнат шухрати» орденидек нуфузли мукофотига сазовор бўлган қахрамонимиз нафақат малакали шифокор, айни пайтда, катта бир оилани суяган тоғи ҳам. Ўқитувчилик касбини ардоқлаб келаётган Гулчехраҳон тунни тонга улаб хизмат қилувчи умр йўлдошига меҳрибон суянчиқ бўлса, Тошкент давлат шарқшунослик институтида таҳсил олаётган Замираҳон Дадаас билан ҳаммиша фахрланади. Ўғли Зафарбекнинг орзулари бир олам: насиб этса, у ҳам тиббиёт коллежини битиргач, Тиббиёт академиясида таҳсил олиб, отаси изидан боришга қатъий аҳд қилган.

Ҳа, Ҳаёт аталмиш улуг қарвон ўз манзили сари дадил одимлаётир. Бу умр йўлларида етук жарроҳ, тиббий хизмат подполковниги Улуғбек Расулов сингари жонқуяр, кўнгли дарё инсонлар бор экан, шифокорлик шаъни ва номи ҳаммиша эл орасида улугланаверади.

Зулфия ЮНУСОВА

Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

Миннатдорчилик

Қўлингиз дард кўрмасин!

Бир китобда ўқиган эдим: табабат султони Абу Али ибн Сино беморни даволашда учта услубдан кенг фойдаланган экан: *биринчиси* — яхши сўз, *иккинчиси* — дори-дармон, *учинчиси* эса тиг (яъни жарроҳлик амали).

Яқинда бахтсиз тасодиф тўғрисида оғимнинг сон суягини синдириб қўйдим. Зудлик билан республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти шифокорларига муружаат этдим. Ва кўп ўтмай малакали мутахассислар ёрдамида жарроҳлик операцияси амалга оширилди. Айтишларича, тиббиётда суякнинг бундай тарзда хавфли синишидан кейин кўпчиликнинг яна тикланиб, меҳнат фаолиятига қайтиши мушкул экан. Аллоҳга минг қатла шукрки, менинг яна сеvimли вазифамни адо этишим ҳамда қадрдон оилам барига қайтишим учун ўз бурчларини сидқидилдан адо этаётган фидойи шифокорлар яқиндан ёрдам беришди.

Sevimли газетамиз орқали маъқур институтининг “Катталар ўткир жароҳатни бўлими” мудири Неймат Абдулҳақов, олий тоифали шифокор-жарроҳ Бахтиёр Камолов, тиббиёт ходими Жамолддин Саидхўжаев ҳамда ҳамшира Гулнора Каримовага чин юракдан ўзим ҳамда оила аъзоларим номидан самимий миннатдорлигимни изхор этаман. Қўлингиз дард кўрмасин, азиз саломатлик посбонлари!

Маъзуна СУЛТОНОВА, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти катта ўқитувчиси.

(Давоми. Боши 1-бет да.)

— Энг аввало, санъат соҳасида эришган катта-кичик ютуқларим, ҳаётда ўрганган сабоқларим учун ҳамisha Насиба опага ҳар қанча таъзим қилсам арзийди, — дейди биз билан суҳбатда истеъдодли дуторчи Юлдузхон Мирсоатова. — Мен ўшанда махсус мактабга ўқишга келганимда, ишонинг, дутор ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдим. Бу миллий чолғу асбобида тулларни яйратувчи, кўнгилларга ором бахш этувчи куйлар чалишни ўрганишимда, санъатнинг ўзига ҳос нозик сир-асрорларини эгаллашимда у кишининг хизматлари бекуёс. Устозимиз мактабимиз қошидаги "Истеъдод" ансамблига раҳбарлик қилиб, гуруҳимиз номини нафақат юртимиз, балки жаҳон сахналарига ҳам олиб чиқишда бор маҳоратини ишга солдилар. Биринчи марта 2006 йили "Янги авлод" танловига гуруҳимиз билан биринчи ўринни қўлга киритдик.

Бугун бинойидек чалиб турган куйингизни, эртаси куни кўнгилдагидек чиқара олмаслигингиз мумкин. Эки бутун тайёргарлик жараёнида маромига етказиб чалиб, танловга бироз муддат қолганда куйни чиқаролмай қолган пайтларим ҳам бўлган. Ана ўшанда ўзимни тутолмай йилга бўйборганман. Устозим эса бу ҳолатни тушуниб, меҳрибонлик билан "Қизим, сиқилма, бирор соат ухлаб дамнингни олгин ёки



"ЮЛДУЗ" ЛИККА ДАЪВОГАР ЭМАСМАН

— дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, бир неча халқаро танловлар ғолибаси Юлдузхон Мирсоатова

Кейин кетма-кет 2007, 2010 йиллари Москвада бўлиб ўтган В.Спиваков номидаги "Москва дўстларни чорлайди" танловига иштирок этиб, қувончли натижадор билан қайтганмиз. 2008 йил Францияда бўлиб ўтган Осие халқлари анъанавий фестивалида иштирок этдик. 2009 йили эса Украинанинг Симферополь шаҳрида ўтказилган "Синяя птица" халқаро фестивалида гуруҳимиз энг олий мукофот — гран-прини қўлга киритди. Жорий йилда эса ўзим яккахон солист сифатида Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган "Окно в Европу" халқаро фестивалида миллий мумтоз куйларимизни ижро этиб, икки босқичли турдан муваффақиятли ўтиб, биринчи ўринни эгалладим. Ана шу танловда ғолиб бўлганим учун Ўзбекистон давлат консерваториясининг Шарқ мусикаси факультети халқ чолғулари, бўлимига имтиёзли равишда, яъни имтихонсиз ўқишга қабул қилиндим.

— Бундай нуфузли танловда ўнлаб давлатлардан қатнашган истеъдод эгалари орасида биринчилиكنи қўлга киритиш осон кечмагандир? — Тўғри, ҳар бир куйни пухта ўрганиш учун камда бир ярим-икки ой муддат кетади.

тоза ҳавога чиқиб айланиб келгин-да, кейин машғулоти давом эттири, деб рухсат берарди. Ҳақиқатан ҳам, қизиқ-да, бироз дам олган, яна кўтаринки кайфиятда машқларга киришиб кетардим.

Очиги, Санкт-Петербургдаги нуфузли халқаро фестивал ижодий ҳаётимда катта бурилиш ясаши мумкинлигини чуқур ҳис қилганим учун унга икки ой тайёргарлик кўрган бўлсам, бир суткада бор-йўғи икки соатгина ухлаганман, холос.

— Чарчаган, толиққан ёки кайфиятингиз бўлмаган пайтларда қандай куйларни ижро этасиз ёки эшитасиз?

— Ўзимизнинг мумтоз куйларимиздан "Тановар", "Сеғоҳ", "Кўш тор"ларни чалиб, мазза қилиб дам оламан. Албатта, шу билан бирга жаҳон классикаси дурдоналарини ҳам эшитиб тураман. Умуман, одам хурсанд бўлса ҳам, гаггин пайтда ҳам мусиқа тинглагиси, хиргойи қилгиси, ўзининг ички эмоцияларини чиқариб, кўнглини бўшатгиси келади. Санъатнинг қудратли кучи ҳам асли ана шунда бўлса керак.

— Сиз турли танловлар, фестиваллар баҳонасида кўплаб хорижий давлатларда бўлгансиз. Ватандан олисда

ўзингизни қандай ҳис қиласиз?

— Одамнинг феъли қизиқ-да. Бир умр ўзинг яшаётган жойда пайти чет элга чиқсам, мазза қилиб дам оламан, денгизу океанларни томоша қиламан, деган орзу-хаёллар билан юрасиз. Кейин-чи? Масалан, ўзимдан қиёс, сафаримизнинг биринчи кунни жойлашиб, рўйхатдан ўтиш каби ташкилий ишлар билан бир пасда ўтиб кетади. Иккинчи кунни эса танловда қатнашамиз, шаҳарнинг эътиборига молик жойларини томоша қиламиз ва ўша кунгича кеч тушди дегунча, Ўзбекистонга қайтгимиз келиб қолади. Шундай ҳолат бир менда бўлса керак, деб юрсам, ҳамроҳларим ҳам "Қачон қайтар эканмиз-а, уйимизни жуда соғиндим", деб сездириб қўяди. Баъзан икки-уч ҳафтага қолиб кетсак, кун санаб вақт ўтказганмиз. Энг ҳаяжонли ҳолат, самолетимиз Тошкент аэропортига келиб қўнган заҳоти ҳаммамиз бараварига қарсақ чалиб, қийқириб юборамиз. Ватан соғинчидан улургор туйғу бормикан бу дунёда?

— Юлдузхон, сиз ҳали талабасиз, олдинда янада масъулиятли ва мураккаб ҳаёт синовлари турибди. Ке-

ИФТИХОР

йинги пайтларда, айниқса, кўшиқчилик соҳасида галаги бир "анъана" урфа кириб борапти. Ёшлар бирорта танловда қатнашиб ёки учтўртта кўшигини телерадиоканалларда тижорат йўли орқали бериб, танилиб қолса борми, дарров "юлдуз"га айланиб қоляпти. Бу, ахир, "машҳурлик касали"га йўлиқиш ёки санъат соҳасини обрўсизлантиришдан бошқа нарса эмаслигини наҳотки билишмася?

— Сиз куюниб айтаётган мумтоз кўпчилики қийнаётгани рост. Яқинда матбуотда ўқиб қолдим: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Ўзбекнаво" эстрада бйрлашмаси билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатида ҳам худди ана шу долзарб мавзу кўтарилди. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки биринчи навбатда зиёлилар, ижодкорлар, ҳофизу бастакор, кўшиқчилар ўзаро ҳамкорликда дунёда ўз ўрни ва нуфузига эга ўзбек миллий санъатининг нодир дурдоналарини асраб-авайлаш билан бирга, халқона анъаналаримиз, жумладан, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган энгил-елли кўшиқ-муסיқаларни тарғиб қилинишига йўл қўймаслик чораларини кўрмогимиз керак. Санъат дунёси, сахна азалдан муқаддас саналган ва ҳрзир ҳам шундай. Демак, бу соҳага ўткинчи обрў ёки бойлик орттириш учун эмас, аксинча, қўлдан келгунича хайрли манфаат келтириш учун беминнат хизмат қилганга не етсин. Ўзимга келадиган бўлсак, мен ҳеч қачон "юлдуз"ликка даъвогарлик қилмаганман, булудан худдо асрасин.

— Келгусидаги режаларингиз?

— Насиб этса, консерваторияни битиргач, ижодий фаолиятимни янада жиддийроқ йўналишда давом эттирмоқчиман. Балки устозим Насиба Содиқовага ўхшаб санъатга чин дилдан меҳр қўйган ёшларга сабоқ берарман. Лекин оддий бир ҳақиқат аёнки, мен танлаган санъат йўли ниҳоятда машаққатли ва, шу билан бирга, шарафлидир. Хали ёшман, эришилмаган яна қанча ютуқлар, катта доvonлар кутиб турибди. Энг аввало, туну кун Оллоҳдан менга бахт ва толе сўраб дуолар қилгучи меҳрибон отаонам, талабчан, фидойи устозларим ишончини оқлашим керак. Бахту саодат, омад ва зафарлар ғойибдан ёки осмондан тушмайди. Бунинг учун тинмай изланиш, ўқиш, ишлаш керак.

"Оила ва жамият" муҳбири
Шаҳноза РОФИЕВА
суҳбатлашди.



ФАВВОРА — тилимизда "фонтан", "юқорига отилиб турувчи сув" маъносини англатадиган "фаввора" сўзининг туб илдизи "қайнади" деган мазмунни билдиради.

Нарироқда фавворадан шариллаб отилган сув Ориф акани хушига келтирди.
Асқад Мухтор

ШАФИҚ — бу сўз мумтоз адабиётимизда кўп қўлланган. "Шафиқ" сўзи "раҳмдил", "шафқатли" деган маъноларни англатади.

Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.
Алишер Навоий

БИСОТ — тилимизда "оилага қарашли мол-дунё, мулк" маъноларини англатадиган "бисот" сўзининг туб илдизи биз ўйлагандан бошқача мазмунни ифодалайди. Яъни, "бисот" сўзининг туб маъноси "гилам" дегани.

Мулла Кутбиддин бисотида бор энг нодир китобларини бирма-бир олиб, чангларини артиб, Бобурга кўрсата бошлади.
Пиримқул Қодиров

ИНДАЛЛО — тилимизда "гапнинг индаллоси" деган ибора кўп ишлатилади. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "индалло" сўзининг арабчилиги таъкидланиб, "Оллоҳ ёнида, яқинида, Оллоҳга яқин" деб изоҳ берилган.

Демак, "гапнинг индаллоси" дегани "гапнинг ҳақиқатга яқини" деганидир.

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, уст-бошимиз бутлиги, дас-турхонимиз тўкин-сочинлиги ҳамжихатлигимизга боғлиқ.

Газетадан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Мангу сиймолар

Юртим, бугун юлдузи кўп осмонинг бор, Сенга қалқон бўлиб турган посбонинг бор, Яхшинг кўпдир, билмам, балки ёмонинг бор. Аждодингни унутмагин, мозийга бок, Мангу қолган сиймоларинг чирогин ёқ.

Юлдузингда Улугбекнинг юзлари бор, Оловларда Темурбекнинг кўзлари бор, Бу ўлкада "Зулфиянинг кизлари" бор. Аждодингни унутмагин, мозийга бок, Мангу қолган сиймоларинг чирогин ёқ.

Ўзга юртнинг балки йўқдир кубролари, Йўқдир ахир, бошга кўнган хумолари, Қанот бўлмай хур элимнинг дуолари. Аждодингни унутмагин, мозийга бок,

Мангу қолган сиймоларинг чирогин ёқ. Мана, бугун кўкка қўйдинг нарвонингни, Орзуларга айлантингдинг армонингни, Қорачиғдай асраш учун маконингни, Аждодингни унутмагин, мозийга бок, Мангу қолган сиймоларинг чирогин ёқ.

Китоб билан дўст бўлсанг...

Сирларингни сотмайди, Ортингдан тош отмайди, Миннатлари ботмайди, Китоб билан дўст бўлсанг.

Ёритида йўлингини, Чаман қилар чўлингини,

ҚАЛДИРҒОЧ

Шоира ТўЛАГАНОВА,
1-сонли Тошкент педагогика
коллежи ўқувчиси

Гул қилади кулингини,
Китоб билан дўст бўлсанг.

Тили йўқ, лекин сўзлар,
Фақат эзгулик кўзлар,
Ёришар гаггин юзлар,
Китоб билан дўст бўлсанг.

Йўлингда топилар нон,
Бўлар ҳамроҳ шуҳрат-шон,
Юрасан соғу омон,
Китоб билан дўст бўлсанг.



"Тонг отишини қирлар бағрида кутганимиз? Юзингизга боладек лаб кўйган майин шабоданинг сирли шивирлашини сезганимиз? Ёхуд кеч кузакда адирлар бағридан чиқётган мезон ховурларига юзингизни тутганимиз?"

Бундай гаройиб саволларни ким бериши мумкин, деб ўйлайсиз? Албатта, бунинг учун шадкор ёки романтик бўлиш шарт эмас. Фақат ҳаётни, тирикликни қадрлаган, кўнглида эзгу туйғулар яшаётган инсонларгина шундай ҳаёллар суради, десак янглишмаймиз. Охангарон тумани Увак қишлоқ фуқаролар йиғини худудида умргузаронлик қилаётган Тожинисо Равшанова ҳақида гап кетса, кўпчилик "замин билан тиллаша оладиган аёл" дер экан.

У кишини бир гапга солсангиз жуда ажойиб хотираларни эштасиз.

— Яхшиси, сизга бундан 20 йилча аввалги бир қизиқ воқеани айтиб берайин, — дейди Тожинисо опа. — Уйимиз қирлар ёнбағрида жойлашгани боис тошлоқ эди. Хар йили эрта баҳордан беш қизимни ёнимга олиб, атрофимиздаги тошларни битталаб териб чиқардик ва озгина очилган ерга помидор кўчатлари ўтказардик. Бир кун қишиникида маҳалла хотинларининг "гап"и бўлаётган экан. Тошлоқда минг азоб билан дех-

қончилик қилиб юрганимни кўрган аёллардан бири "Келинг, Тожинисо опа, сиз ҳам бизнинг давраимизга кўшилинг. Шу эккан помидорингизни бозордан ҳам сотиб оласиз-да, беш кунлик дунёда ўйнаб-яйраб қолинг",

Ҳаммага яхшилик соғинган аёл

деди. Албатта, бу кесатиқ гап менга ёқмади ва яна ўз ишимни давом эттиравердим. Ишонсизми, ўша йили маҳалламизда фақат бизнинг томорқамиздагина сабзавот экинлари фарқ пишиб етилди ва ҳаманинг ҳаваси келди. Буни кўрган ҳалиги аёллар ҳам кўп ўтмай ҳаракатга тушиб қолди. Ўз ҳовлиларини обод қилишга, ул-бул нарса экишга киришиб кетишди. Ҳозир бирор бир оила бозордан қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотиб олмайди.

Оддий қишлоқ аёлининг ўзи яшар турсан уйдаги бир парча ерни, қолаверса, қишлоқни бу даражада обод этмоққа чоғланганининг сири бошқа ёқда. Ас-

лида, Тожинисо опа бундан 31 йил аввал умр йўлдоши Қурбонназар ака билан бирга Тошкент давлат қишлоқ хўжалиги институтида бир курсда таҳсил олган экан. Кўп йиллар давомида эрхотин халқ хўжалигида ҳалол

имкони борича унумли фойдаланиш зарурлигини қайта-қайта такрорлар эди. Ҳаёт пайтларида "Равшан шодлик зийси" боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этдик. Мана, шунга ҳам олти йил тўлибди... — дея бир умр элдошлари дуосини олиб яшаган Қурбонназар аканинг хайрли ишларини ҳам бирма-бир эслаб ўтди Тожинисо опа.

Тақдирни қарангки, бугунги кунда беш қизининг умр йўлдошлари куёв эмас, чинакам ўғил ўрнида қайноналарининг иззат-ҳурматини жойига қўйишяпти. Опа уларни "Менинг қўшқанотларим", дейди фаҳрга тўлиб. Айни пайтда Тожинисо Равшанова 34 гектар майдонда дехқончилик қилиб, элимиз дастурхонини турли ноз-неъматлар билан тўлдириш йўлида хизмат қилаётир. Айниқса, жорий йилда икки гектар ерга экилган ноклардан мўл-кўл ҳосил олишиб, моддий манфаатдорлик янада ошганига ҳам ургу беради опа. Шунингдек, янги кўчатлар оралигидаги майдондан ҳам унумли фойдаланиб, турли хилдаги сабзавот экинлари экилаётгани яхшигина даромад келтирмоқда. Яқинда эса туманда ўтказилган тендерда Тожинисо опа яна 22 гектарлик майдонни қўшиб олишга муваффақ бўлди.

— Албатта, далада юрган одам бир кун ҳам уйига сизмай-

ди. Ҳали у дарахтзорга, ҳали бунисига қарайман. Куннинг, ҳатто умрининг ўтгани сезилмай қолади баъзан, — деб чуқур хўрсиниб кўяди қаҳрамонимиз. — Ана шундай пайтда барибир ўзимга ўзим таскин берман: Оллоҳга минг қатла шукр, шунча жойни обод қилдим, боғ яратдим, насиб этса, улардан элулус баҳраманд бўлади. Ҳеч кимдан кам жойим йўқ, ўнта неварам атрофимда парвона. Шунлар омон бўлсин. Бахтимнинг бутунлиги — онажоним Турсун ая 85 ёшга кирган бўлсалар-да, ҳаммиса менга суянч, тиргак, руҳини кўтарди, дуо қилади бизларни. Ўзлари ҳам соҳибкор, дехқончиликни мендан кўра яхши билади. Билмаганларимни ҳозир ҳам онажонимдан сураб ўрганаман...

Дарвоқе, Тожинисо опа нафақат замин билан, балки ўзи билан ёнма-ён, елкадош, маслақдош бўлиб яшаётган маҳалладошлари, қишлоқдошлари билан ҳам доимо тил топиша олади. Ёнг муҳими, ҳаммиса элдошларига суянади, улардан меҳр-оқибат кўргани учун ҳам барчасига қўлидан келгунча яхшилик соғиниб яшайди.

Нигора УРОЛОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Тошкент вилояти.



меҳнат қилиб, қизларини ҳам илмли-маърифатли этиб тарбиялашга астойдил интилди.

— Барибир она заминнинг меҳри ўзгача бўлар экан. Шу орада хўжайиним оғир хасталикка чалиниб ётиб қолди. Биласизми, у киши энг сўнги нафасига-ча тупроқнинг азизлигини, ундан

"Ҳалолдан берсин..."

СОЛИҚ ФАОЛИЯТИ

Тўғри ишлаб, тўғри сарфлаб, беҳавотир яшаган нима етсин! Боболаримиз дуога кўл очганда "Ҳалолдан берсин..." дея ният қилиши беҳиз эмас. Лекин қонуний йўллар билан келаётган даромадига шукр қилмай, давлат ва жамият тараққиётига гав бўладиган фаолият билан машғул "тадбиркор" лар ҳам йўқ эмас. Бир кун осонгина бойлик орттириш ниятидаги бундай кишиларнинг юзи шувит бўлиб қолиши тайин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш давлат солиқ идоралари зиммасига муайян масъулият юклайди. Шайхонтоҳур туман ДСИ ходимлари бу борада бир қатор чора-тадбирлар ўтказиб келишмоқда. Жумладан, юртимизга контрабанда йўллари орқали олиб қирилган товарлар савдоси билан шуғулланаётган ҳуқуқбузарлар фаолиятига чек қўйилаяпти. Жорий йил-

нинг ўн ойи мобайнида 226 та ҳолатда 704 млн. сўмлик товар моддий бойликлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Тузилган далолатномалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилиб, қонунбузарлар 199 та ҳолатда маъмурий, 27 та ҳолатда эса жиноий жавобгарликка тортилди.

Хориждан ноқонуний равишда олиб келинган 65 млн. сўмлик товар моддий бойликлари мутахассислар томонидан яроқсиз деб топилди, комиссия иштирокида белгиланган тартибда йўқ қилинди.

Шайхонтоҳур туман ДСИ ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан жорий йилнинг тўртинчи қораги учун ҳам чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан бўлиб, ҳозирда уларни амалга ошириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Аҳмад УСМОНОВ,
Шайхонтоҳур тумани ДСИ
бошлиғи ўринбосари.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги бошланди

ОГОҲ БЎЛИНИ!

тириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган

объектларда ёнгин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш» деб белгилаб қўйилган.

Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймики, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси

ХУРМАТЛИ ҲАМИШАҲАРЛАР ВА НОЙҲАХТЕМЕЗ МЕҲМОНИЛАРИ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 декабр ҳужумини 309 - сонли қарорини асосан Республиканинг ҳудудини 25 ноябрдан 25 декабрга қадар

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ЎТҚАЗИЛАДИ,

Вазирлар Маҳкамаси ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали Ота-бонани кўриб чиқишнинг шарафини олиб, давлат ва шахсий мол хавфсизлигини, яшашнинг ҳамма афронтинини, қишлоқ ҳаётини яқин қонун бўлиши.

Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама

"ADHAM AUDIT"

ўқув-консультатив маркази таклиф этади:

35 йиллик бухгалтерлик малакасига эга, айна пайтда фаолият юритаётган бухгалтер-ревизор ўзи яратган махсус интерфаол усул асосида 2 ойда фирмаларга бош ҳисобчилар тайёрлайди.

Ушбу дастурда 0 дан то балансгача ва барча солиқ ҳисоботларини тузишгача бўлган ишлар амалга оширилади.

1. Хизмат кўрсатиш, улгуржи, чакана савдо-солиқлар бир йўла.
2. Малакали бухгалтерлар учун 1 С7,7 дастури 6 кунда ўргатилади (80 000 сўм)
3. Фирмалар бухгалтериясини тиклашда кўмаклашамиз.
4. Йиллик баланс тузишда ёрдам берамиз.

Машғулотлар ҳафтасига икки марта икки соатдан 2 ой. Бошланғич соат 9-00, 11-00, 14-00, 16-00 да. Ўн кишилик гуруҳларда 100 000 сўм.

Машғулотларда қатнашганларга махсус сертификат берилади.

Ҳақ тўлаш усули — нақд, пластик карточка ҳамда пул ўтказиш йўли билан.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 24.
Мўлжал: "Abdurauf" мебель дўкони, 3-қават.
Мурожаат учун тел: 746-90-15

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қўнидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилик — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар кўстем-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 5 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таоми ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 2-3 ой.

Барчаси амалиёти билан

Ётоқхона мавжуд.

Ўқиниши тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-маъзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори бош томони орқасида.
Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ

Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Кўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

Оиламиз бекаси Малоҳатхон!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин дилдан сამийий табриклаймиз. Бизнинг, қолаверса, бутун қондошларимизнинг бахтига ҳаммиса соғу саломат бўлинг. Фарзандлар камолини кўриб юрайлик.

Самийий эҳтиром билан умр йўлдошингиз Соҳибжон Нурота шахри.

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

— Қизим, эсингни йиғиб ол, нималар деяётганинги биласанми, ўзи? Азбаройи мен сенинг тақдирингни ўйлаганим учун бахтсизликка юз тутдим-ку! Сен эса...

— Йўқ, керакмас, мен сиз билан яшай олмайман, тамом, шахарга кетаман энди...

Шу куни эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетган қизи қайтиб келмади. Она ҳам эрталабгача мишжа қокмади. Кутди. Орадан бир ҳафта, бир ой, бир йил ҳам ўтдики, ундан дарак бўлмади. Кейин орқаворотдан эшитди: Ойгул шахарда бир бойвачча одамга иккинчи хотин бўлиб эрга тегибди. Ўзи тиллафурушлик билан шуғулланар экан, эри эса қиморбоз эмиш. Шу воқеага ҳам ҳаш-паш дегунча 15 йил бўлибди.

Бир куни кўшнларидан бири суюнчи олди: "Қизингиз эртага ўғилларига суннат тўйи қилаётган экан. Кеча куёвимдан эшитдим". Ойниса совга-саломлар кўтариб, қизиникига кириб борди. Катта ховли тўла меҳмон эди. Ойгул онасининг йиллар буккан гавдасига, оддийгина одми, чит кўйлагига оғриниб қарар экан, совуққина саломлашиб, меҳмонхонага эмас, ошхонага етаклади. Кейин...

...Хозир ўша "тўй бола" невараси Аҳмаджон 8-синфда ўқияпти. Орадан уч-тўрт йил ўтган, кутилмаганда бедарак кетган Ойгул онасини излаб қишлоққа келиб қолди. Кўшнлари ҳам ҳайрон бўлишди. Ушанда қизи жуда катта микдорда ноқонуний буюмлар сотгани ва устидан жиноий иш қўзғатилгани учун қараларини тўлашга пул етмагани учун онаси яшаб турган уйни сотиш учун келган эди. Она-да барибир, кўзлари сохта ёшга тўлган қизига раҳми келиб, "Майли қизим, мен ҳам бир кунини кўрарман, сотамиз", деб юборди. Ким билади, балки ана шунда невараси Аҳмаджонни кўриб эриб кетгани ёки ёлғиз фарзандининг қамоққа тушганидан кўра ўзини кўчада қолишига ҳам рози бўлган Ойниса Вольда амакидан қолган эски ховлини сотди.

Ойгул ҳам пулни олган кунидек яна ном-нишонсиз кетди. Бир ойна вақт ўтган, уйни сотиб олган киши келиб Ойнисага уйни бўшатиб қўйишини айтиб кетди. Қарангки, орамизда барибир яхши инсонлар кўпда. Кўшни маҳаллада яшовчи Рустамжон деган йигит Ойниса опанинг бошига тушган савдоларни эшитди. "Бизникида бўш турган уй бор, невараларингиз чой-нонингизга қарашиб туради", деб ҳол-жонига қўймаса-да,

лекин ўзининг кўнгли чопмади. Бошқаларга оғирим тушмасин дедими, хуллас, маҳалла оқсоқолини Қариялар уйига мурожаат этишга кўндирди.

Бир куни пансионат ёнидаги бозорчадан бир даста гул харид қилаётса, ёнига бўйлари узун йигитча югуриб келиб онахонани маҳкам қучоқлаб олди. Қараса, невараси Аҳмаджон. Юз-кўзларидан ўпиб, қучиб, узоқ йиғлади. Кейин у ҳам бу виси билан бирга пансионатга кирди. Уша куни неварасидан эшитди: Ойгул қизи ўшандан кейин ҳам ўзгармабди. Эр-хотин иккиси яна бошқа бир оғирроқ жиноятга қўл уриб, узок м у д д а т т а қамалиб кетибди. Уйлари мусодара бўлиб, ўғли билан қизини амакилари қарамоғига олишибди. Аҳмаджон лицейни битириб, ўқишга кириш учун тайёргарлик кўраётган экан...

Ш у - ш у , бўлди-ю, Аҳмаджон ҳар ҳафта бувисини кўргани келади. Ҳар келганида, насиб этса, уйланган кун бувижонисини бу ердан олиб кетишини айтади.

— Қўшнижон, бормисиз? Дам олаясизми? Сапураҳондан айттириб юборганимга бир соат бўлди-я. Чой ҳам совиб қолди. Чикаймасизми?

Кўшни хонада яшовчи Сарви холанинг овози Ойнисани оғир хотиралар гирдобидан қутқарди. Қўзини очиб, ўрнидан туриб ўтирди. Сарвиҳоннинг ялтироқ рўмолини сал қийшайтириб ўраши, қош-кўзидан ҳеч қачон ўсмаю сурманинг аримаслиги хаётга оддий кўз билан қарайдиган Ойнисанинг гашига тегар эди баъзида. Хозир ҳам устида гулли жун матоддан тикилган кўйлак, баҳмал нимча қийиб олган Сарви жилмайганича хона остонасида турарди.

— Эгачи, юринг-чи бизникига, бу ёниги сўрасангиз, зўр гапим бор айтдиган. Сизни қақир-

ганимнинг боиси, хув, йўлакнинг у бошида яшаётган Қаримбой ака бор-ку, айтишга ҳам уялсан одам, шу киши менга... Нима дейишга ҳам ҳайронман. Боя хонамга шоколад билан гул кўтариб келибди.

Сарви хола рўмолининг учини тишлаганича, ёш келинчақлардек кўзларини сузиб қулди.

— Э, қўйсангиз-чи бундай гапларни, ёшларинг ҳам ол-

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

Вой, мен мияси суюлган кампир, нима қилиб қўйдим-а? Сарвиҳон тўғри айтди, ахир, бу дунёда бирор одамга керак бўлиб яшадан ортиқ бахт бормикан? Ўзи, ҳеч кимга керак эмас-ку! Неча марта ўзини чордоқда чанг босиб ётган керак-сиз буюмдай тасаввур қилган

Наргис ҚОСИМОВА

Ойнисанинг
кулмаган

БАХТИ

тмишдан ошган бўлса, севиб қўлибдими, ордона қолсин, бу нимаси? Болаларингиз эшитмасин, эгачи...

— Вой, бу кампирнинг гапини қаранг. Билсангиз, сиздан нақд уч ёш кичкинаман. Болаларининг нима дейиши билан нима ишим бор? Уларга керак бўлсам, шундай жойларда яшаримидим. Бир умр раҳматли эрим, икки ўғлим учун яшадим, кучим борича хизмат қилдим. Мана, уларнинг раҳмати! Ҳаммаси хотинининг гапи билан мендан юз ўғирлади. Ниҳоят, умримнинг охирида кимгадир керак бўлибман-ку!

Хозиргина кулиб турган Сарви хола Ойнисанинг ёнига ўтирганича йиғлай бошлади.

— Мен сизни ўзимга яқин олиб хурсандчилигимга шерик бўлади десам, сиз ҳам... э, боринг-е...

Сарвиҳон ая секин ўрнидан туриб, рўмолининг учи билан кўз ёшларини артганча чиқиб кетди.

эди-я. Энди бахтдан яшнаб турган Сарвиҳоннинг кўнглини оғритди. Сиздан бир нарсани илтимо сўрамаса бўлмас.

Ойниса шоша-пиша ўрнидан туриб, кўшнисининг орқасидан борди. Орадан бир ой ўтган, Сарвиҳон билан Қарим отанинг тўйини нишонлашди. Маъмурият улар учун кенгрок, алоҳида хона ажратиб берди. Қизик, шу тўйдан сўнг бошқа чол-кампирлар ҳам бир-бирларига янада меҳрибонрок, қадрдонрок бўлиб қолишди. Фақатгина Ойниса деярли ҳеч кимга қўшилмас, ўтмиш хотиралари билан яшарди, холос.

Мана, бугун у яна ўша таниш йўлакка деразадан тикилганча қараб ўтирибди. Фақат энди куз. Йўлак четигади артигуллар қийғос очилган. Эрталабки нонушта ва муолажалардан сўнг қўшнлари ташқаридаги ўрин-диқларда гаплашиб ўтиришибди. Йўлакда икки қўлида оғир сумкаларни кўтарганча Шириҳон хоналарни қизи кўринди. Ана,

ойисининг кўлтмига кириб, уни бино томон бошлади. Аслида, Шириҳоннинг исми Зулхумор. Аммо ширин каломлиги учун ҳамшираю тарбиячилар унга Шириҳон хола деб ном қўйишган. Қун ора бу ерга қизи келади. Ўғлининг уйига сизмаган хола-ни қайнона-қайнотаси ва уч фарзанди билан икки хонали уйда яшаётган қизи ҳам олиб кета олмаган. Жувон ҳар келганида қарияларнинг маломатли нигоҳларидан қочиш учунми, ердан кўзини узайди.

— Ана ташқарига қимай ўтирибсизми, онажон. Бугун ҳаво бирам яхшики. Кайфиятингиз ҳам кўтарилар эди.

Эшикдан кирган Сапуранинг овозини эшитиб, Ойниса унга ўғирлиди.

— Борингизга шукр, қизим, овозингиз бирам ёқимлики. Ўзи, сизни кўрсам, кайфиятим кўтариларди, лаънати қон босими ҳам ёдимдан чиқади. Яна қон босимимни ўлчамоқчимисиз? И-е, халатингиз қани?

Ҳақиқатан ҳам, бугун Сапура ўзига ярашиб турган кофта-юбкада, сочлари қорайган қилиб турмакларини эди.

— Тинчликми, болам, бугун жудаям очилиб кетибсиз?

Сапура оҳиста Ойниса холанинг ёнига келиб ўтирди-да, қўлини ушлади. Сўнг кўзларига тикилганча, негадир лаблари титради.

— Ойниса опа... э, йўқ... онажон. Сиздан бир нарсани илтимо сўрамоқчи эдим.

— Ҳа, нима бўлди, қизим, болаларинг тузуқми?

— Худого шукр, кеча Зарина ва Зарифжон билан гаплашдим. Қаранг, ҳаммазининг гапимиз бир жойдан чиқди. Агар рози бўлсангиз, Зарина билан Зарифжонга буви, менга эса она бўлсангиз. Бу ердан сизни олиб кетамиз. Мен доимо ёнимда она бўлишини истаядиган, сизни биринчи кўрганимдаёқ тушларимга кириб юрган онамни учратгандай бўлдим. Болаларим ҳам сизни ўзи бувисидек кўришарди. Зарина менга мактабдан сўнг ёрдамга келганида доимо Ойниса бувимни уйимизга олиб кетайлик, дерди. Бош шифокордан руҳсат олдим, керакли хужжатларни бугуннинг ўзидаёқ тўғрилайман. Фақат сиз йўқ деманг, илтимо, онажон!..

Ойниса ая бўғизига тикилиб келган ўкириқни босганча Сапурага, йўқ...йўқ... қалбида неча йиллардан бери ардоқлаган, ҳар кун деразадан йўлига кўз тиккан Ойгулдан кўра кўпроқ кўнглини тушунган, эъозлаган қизига тикилар экан, уни маҳкам бағрига босди-да, майин оҳанг-да "Майли, қизим, розиман", деди...

Бир куни ҳузуримга Наргиза деган аёл келиб, ўз бошидан кечган воқеаларни сўзлаб берди. Унинг айтишича, биринчи марта ноқонуний равишда, яъни фақат шаръий никоҳ орқали турмушга чиққан. Орадан кўп вақт ўтмасдан фарзанди туғилар-туғилмас ажрашиб кетган. Энг ёмони, икки ўртада низо келиб чиққан ва эри боланинг отасилигини тан олмаган. Охир-оқибат, бу аёл "ёлғиз она" сифатида рўйхатдан ўтказилиб, болани ўз фамилиясига олишга мажбур бўлган. Унинг мўнгли ҳиқоясини сиз ҳам бир эшитинг-а:

"Иккинчи мартаба турмушга чиқаётганимда бўлғуси эримга аввал қонуний никоҳдан ўтишимиз кераклигини айтдим. У эса биринчи оиласи билан анчадан буён яшамаслигини, ажрашиш учун

Қўрғонни бузиш осон...

судга ариза берганини айтиб, мени қаттиқ ишонтирди. Устига-устак, онам ҳам "Яхши йигит деб макташди кўшнларини. Рози бўл, насиб этса, бахтли бўлиб кетасан", деяверганидан кейин иккинчи бор турмушга чиқдим. Орадан бир йил ўтган, иккинчи фарзандим туғилди. Аввалги аёли билан ўрталаридаги никоҳ ҳали расмий равишда бекор қилинмагани сабабли "оталиқни белгилаш" аризаси асосида фарзандимизга гувоҳнома олишга мажбур бўлдик. Устига-устак, турмуш ўртоғимнинг собиқ хотини автоҳалокат туфайли оламдан ўтиб қолди ва уларнинг иккита қизчасини ҳам уйимизга олиб келдик. Шун-

дан сўнг эримга яна бир неча марта ўрта-миздаги никоҳни расмийлаштиришни илтимо сўрдим. Лекин у турли хил баҳоналарни рўқач қилиб, рўйхушлик бермади. Кўп ўтмай, ишлаб пул топиб келаман, деб қўшни давлатга кетиб қолди. Мана, бир йилдан бери ундан на пул келади, на хат-хабар. Энди тўрт бола билан қайнота-қайнонамнинг қўлига қараб ўтирибман. Нима қилсам бўлади, маслаҳат беринг..."

Йўлак қоласан киши. Бу аёлга нима деб йўл-йўриқ кўрсатишни ҳам билмайсан. Нега десангиз, ғишт қўлипдан кўчган. Вақтида ўз ҳақ-хуққини англаб етмаган муштарип онага қандай қилиб

БАХТ ОСТАНАСИ

бўлмасин, имкони борича ёрдам бериш учун аввал ота-онаси, сўнг эса маҳалла-қўй, фуқаролар йиғини фаоллари билан бамаслаҳат ҳаракат қилдик. Ниҳоят, ўзга юртларда сарсон-саргардон юрган турмуш ўртоғи ҳам қайтиб келди ва ўрталаридаги никоҳни расмийлаштирдик. Хуллас, бир оилани сақлаб қолдик.

Бундай ҳаётий воқеалардан Ойла деб аталмиш муқаддас қўрғон тақдирига енгил-ёлпи, бефарқ қарайдиган йигит-қизлар тўғри хулоса чиқаришларини истардик.

Ёдгорой ХИДИРОВА,
Арнасой туман ФХДЭ
бўлими мудири.

Одамнинг охирги хоҳиш-иродаси

Мамлакатимизда хусусий мулкчиликка катта йўл очиб берилгач, фуқаро-лар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар қамрови ҳам кенгайди. Жумладан, шахсининг сўнги хоҳиш-иродаси бўлмиш васият шартномасини тузиш, тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш борасидаги муносабатлар анча кўпайди. Буни ҳалқимиз орасида ҳуқуқий маданиятнинг юксалаётганига йўйиш мумкин.

Васиятномани нотариат идорасида расмийлаштириш учун мол-мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи далилларни тақдим этиш мажбурийми? Р. Шомаликова, Миробод тумани.

— Нотариуслар муомалага лаёқатли фуқароларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган ва шахсан тақдим этилган васиятларни тасдиқлайди. Васиятномаларни вакиллар орқали тасдиқлашга йўл қўйилмайди. Васиятномани нотариат тартибда расмийлаштиришда васият қилувчидан васият қилинаётган мол-мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи далилларни тақдим этиш талаб этилмайди.

Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзо нотариал шаходатлини шартми? М. Шухратов, Шайхонтохур тумани

— Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд айрим фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.

Васиятномани бекор қилиш тўғрисида ариза олинса, васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома олинса, нотариус васиятноманинг ўзидан сақланаётган нусхасига ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрига имзо хусусда белги қўяди. Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган бую нотариал шаходатлини лозим.

Саволга Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 2-сонли ДНИ нотариуси Мавлуда АБДУЛЛАЕВА жавоб берди.

Айни пайтда ўзимга тегишли бўлмаган, аммо вақти келиб тасарруфимга ўтадиган мол-мулкни васиятномамга киритсам бўладими? Б. Раҳмонов, Кармана тумани.

— Мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга қарашли бўлиб қолса, ўша фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Узоқ қариндошимиз барча мол-мулкни менга мерос қолдирганди. Мен унинг уй-жойини маҳалла кўмитаси ихтиёрига топширмоқчи бўлдим. Аммо васиятномада яна бир киши ворисдан кейинги ворис сифатида кўрсатилган экан. Бу ҳолат менинг хатти-ҳаракатимга монелик қиладими? Д. Саидова

— Васият қилувчи меросхўрнинг бевақт вафот этиши, меросни қабул қилмаслиги ёхуд воз кечиши ёки нолайик меросхўр сифатида мерос олишдан четлаштирилишини, шунингдек, васиятномада белгиланган ўз қонуний шартларини бажармаслиги эҳтимолини назарда тутилган ҳолда бошқа меросхўрни (ворисдан кейинги ворисни) тайинлаши мумкин.

Меросхўр бўла оладиган ҳар қандай шахс ворисдан кейинги ворис этиб тайинланиши мумкин. Васиятнома бўйича меросхўрнинг ворисдан кейинги ворис зарари меросдан воз кечишга йўл қўйилмайди.

Саволларга Навоий вилоят Навоий шаҳар ДНИ нотариуси Р. МЕРГАНОВА жавоб берди.

САВОЛ-ЖАВОБ

Боланинг чет элга чиқиш тартиби қандай?

Вояга етмаган фарзандим спорт мусобақаларида қатнашиш учун хорижий давлатга чиқмоқчи. Бунинг учун нотариал тартибда қандай ҳужжатлар тасдиқланиши керак? Д. Солиева, Фарғона шаҳри.



Бундай ҳолларда Фуқаролик кодексининг 129-моддасига асосан вояга етмаган фарзанднинг ота-онаси нотариал идорага бориб, хорижга олиб кетиш ва қайтариб келишга масъул этиб белгиланган шахс номига ишончнома расмийлаштирилади. Ишончнома матнида унинг тузилган (имзоланган) жойи, санаси, ишонч билдирувчи ва ишончли вақилнинг фамилияси, исми (паспорт маълумотлари), доимий рўйхатга олинган манзили, ишончли вақилга берилган ваколатлар доираси, Фуқаролик кодексининг 141- ва 142-моддаларида белгиланган тартиб-қоидалар батафсил тўлдирилганлиги кўрсатилиши керак.

Ўз наватидан ишончли вақил ҳам ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Шунингдек, бу шахсдан қафиллик хати олинади ва нотариал тартибда тасдиқланади.

Саволга Фарғона шаҳар 10-сонли ДНИ нотариуси Дилором БОЛТАБОВА жавоб берди.

АЖАБ ОЛАМ

Сартарош соябони

Балки бу мосламини соябон дейиш ноўриндир. Соябон кўшдан соя қилувчи ҳимоя воситаси, ёмғирпўш ҳам ёмғирдан ҳимоялайди. Демак, буни биз ҳимоя воситаси десак бўларкан. Фақат қирқилган сочлардан ҳимоя қилувчи восита.

Ҳа, ушбу соябон сартарошлар учун мўлжалланган бўлиб, ҳам устани, ҳам соч олдирувчини соч қилларидан ҳимоя қилади. Фаррош хизмати ҳам эҳтиёж қолмайди. Кўриниши галати бўлса-да, оддий ёпинчиқлардан кўра қулай ва фойдалироқ. Бўйинга боғланиш қисми ҳам ўзгарувчан ўлчамли бўлиб, сочларнинг кийим орасига тушишига йўл қўймайди. Соч соябони оддийгина мослама бўлса-да, ҳар қандай стилист учун бундан яхши "кўмакчи" топилмаса керак...

Мувозанат стули

Болаларнинг "Ванка-встанка" деб аталувчи кўғирчоғини яхши эсласангиз керак. Дўмбоққина ёлми кўғирчоқнинг ичидан таг қисмига ярим шар шаклидаги металл ўрнатилган бўлиб, уни ҳар қанча йиқитманг, ўша ярим шарнинг мувозанат нуқтасига қайтиши эвазига кўғирчоқ дарров ўрнидан туриб қолар-



ди. Сиз кўриб турган жиҳоз бир қарашда шахматдаги пьедантинг тўнқарилган ҳолатини эслатади. Аслида бу матоҳ ҳам айнан ўша "Ванка-встанка" кўғирчоғи услубида ясалган стулди. Бу стулда ўтириш учун албатта, ўзингиздан ҳам бироз мувозанат қондасига амал қилиш талаб қилинади.

Наргиза СИДДИҚОВА тэйёрлади.



"Қизим Зебонинг ўзи билан бирга институтда ўқийдиган курсдоши Маъмурга кўнгли борлигини эшитиб юрардик. Отаси бўлса маҳалламизда яшайдиган яқин бир ўртоғининг ўглини куёв қилмоқчи эди. Маъмур юборган совчилар ҳам қайта-қайта келавериб, охири жим бўлиб кетишди. Зебони Баҳромга унаш-тирмоқчи бўлиб юрган қуларимиз кутилмаганда қизим қаттиқ бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолди. Шифокорлар унинг асаби жиддий шикастланганини айтишганида нима қилишни билмай қолдик. Йигирма кунча даволангач, унинг ўзи кимни хоҳласа, ўша йигитга розилик билдиришимизни айтдик. Хуллас, эрта баҳорда Маъмуржон билан тўйлари бўлди. Қудаларимиз жуда баъзмани, зиёли инсонлар экан. Қизимнинг бахтини кўриб, ич-ичимдан суюнардим. Орадан бир йил ўтгач, неварамиз туғилди.

Бир кун куёвим билан бирга неварамини эмлатиш учун поликлиникага олиб бораётса, қарши-сидан Баҳром бир ўртоғи билан чиқиб қолиб, роса куракка турмайдиган гапларни айтиб, жанжал чикаришибди. Хуллас, қаерда кўришса, она-бола иғво, тухмат тўқиб, куёвимни ёмонотлик қилаверишди. Шундан сўнг яхшигина яшаб юрган оиланинг ўртасига совуқлик тушиб, улар ажра-

шишгача бориб етди. Охир - оқибат бегуноҳ неварамиз тирик етим бўлиб қолди. Қизимнинг турмуши бузилгач, асабийлашавериб, отаси ҳам инсулт бўлиб, оламдан ўтди. Ҳозир неварам беш ёшда. Зебонинг қайта турмуш қуриб, бахтли яшашини истайман. Унинг ёши 31 да. Маълумоти олий. Ёшига мос, диёнатли инсон учраса, узатсам, кўнглим тинчирмиди.

ОЙБУВИ ОПА Бухоро вилояти".

"Ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу, дейдилар. Ота-онам соғ-омон пайтида дунёда мендан бахтли инсон йўқ эди. Отам нуфузли ташкилотда раҳбар эди. Душманлик бўлгани, уларга йўқ жойдан тухмат қилишди, йиллар ўтиб ҳақиқат қарор топди, бари изга тушди. Лекин отам соғлиғидан айрилди. Ўша пайтлари мени уйлантиришмоқчи бўлиб туришган эди, оиламизнинг бошига ташвиш тушиб, тўй қолиб кетди. Мен ҳам ота-онамнинг соғлиғини ўйлаб, дори пули бўлар деб кечая кундуз тиним билмай ишлардим. Бу орада уйимизда-

гилар келин қиламиз, деб кўз остига олиб қўйган қиз турмушга чиқиб кетди. Отам инсулт бўлиб ўзини ўнглолмади. Узоқ йиллар бир жойда ётиб, охири қазо қилди. Йил ўтмай онамдан ҳам айрилдим. У киши сўнги нафасигача мени ўйлади. "Сенинг никоҳ тўйингни кўриш насиб этмайдиган кўринадим. Жон болам, ҳеч ўқисинма, руҳим доим сен билан", дея жони узилди. Ўшанда худди кимсасиз оролга тушиб қолгандек эдим. Лекин яқинларим, дўсту биродарларим ёлғизлашиб қўймади. Уларнинг насиҳати билан уйланишга қарор қилдим. Ёшим 32 да. Маълумотим ўрта махус, ишим тайин. 32 ёшгача болан, самимий, инсоний фазилатлари қадрлайдиган қиз учраса, уйланоқчиман.

БАХОДИР, Навоий вилояти".

"Дилдора холамнинг ёлғизгина фарзанди эди. Бувижонимнинг сўнги васиятини бажо келтириш мақсадида онам билан холам қуда-анда бўлишган. Дилдорага уйланганимдан сўнг орадан икки йил ўтгач, уларникига кўчиб ўтдик. Поччам ишининг

бевақт ҳаётдан кўз юмди. Ноилож, уларни шу аҳволда холам ва поччамнинг қўлига ташлаб кетолмадим. Уларнинг ҳам дардлари ичиде эди. Қўлларидан келгунича болалар тарбияси билан шуғулланишди. Мен эса тиним билмай ишлардим. Охири ота-онам ўзаро маслаҳатлашиб, бир кун менга «Ўғлим, бирор бефарзанд аёлга уйлансанг, невараларимизнинг аҳволини тушуниб, сенга суянч бўлармиди», деб насиҳат қилишди. Уйлаб-уйлаб, ниҳоят, «Оила ва жамият» га умид билан хат ёздим. Менга кўнгли ярим Зайнаб деган шифокор жувоннинг телефон рақамини беришди. Кўп ўтмай иккимиз учрашдик. Унинг уйдагиларига мен, менинг холам билан поччамга эса Зайнаб жуда маъқул тушди. Турмуш қурдик. Энг қувончлиси, у фарзандларим кўнглига йўл топди. Минг раҳмат сизларга!

АНВАР Хоразм вилояти".

ТАҲРИРИЯТДАН:

"Бахтли бўлинг" рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита муносабат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Ўқувчи сумкасидаги қўрқинчли суратлар

Бундан уч ойча аввал "Мактаб бозори" да кўрган бир манзара ҳеч эсимдан чиқмайди: бир аёл ўн ёшлардаги ўғил-часини гоҳ у растага, гоҳ бу растага етаклаб овора эди. Уларни бироз кузатиб турдим. Қарасам, ҳалиги бола "Ўқ, менга мультфильмдагига ўхшаш расми бор сумкани олиб берасиз, бошқаси керакмас", деб хархаша қиларди. Тўғриси, шу пайтгача ҳеч эътибор бермаган эканман, ўша кунни синчиклаб қарасам, бозорчада сотилаётган аксарият сумкаларда чет элда ишланган мультфильм ва кинолардаги ажабтовур "қахрамон"лар суратлари акс этган экан. Энг ачинарлиси, улар орасида ўзининг ваҳшийлиги, беҳаё ва ёвузлиги билан ном чиқарган салбий образ эгалари қайси "хизмат"и учун ёшлар онгини ўғирлаётганини тушуниш мушкул. Балки бундай ёмон иллатнинг пайдо бўлишида биз ота-оналарнинг фарзандларимиз тарбиясига бефарқлигимиз сабабдир?

Камола Муҳаммаджонова, Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 298-мактаб амалиётчи психологи:

— Биламизки, 4 ёшдан то 10-11 ёшгача болаларда ташқи таъсирларга берилувчанлик жуда кучли бўлади. Шу боис улар ўзлари кўрган, билган ва эшитган воқеа-ҳодисалар, эртақ ёки мультфильми, сурат ёки бошқа турли илхдаги ман-



заралар бўладими, борича қабул қилади. Бола руҳиятида ҳали ҳаётга реал қарай олмаслик устун бўлгани учун катталардан фарқли ўларок, ҳар қандай ҳолатни таъсирчанлик билан қабул қилади. Энди юқоридаги воқеага келадиган бўлсак, сир эмас, аксариятимиз майли, боланинг кўнгли ўқимасин, деймиз-да, ҳар

НИМА ДЕЙСИЗ?

куни телевизорда кўрсатиладиган мультфильм қахрамонлари ёки Барби қўғирчоқлари расмлари акс этган кийим-кечак ва сумкаларни олиб берамиз. Айниқса, бошланғич синф ўқувчилари учун тайёрланган махсулотларнинг деярли барчаси шундай кўринишда. Охир-оқибат нима бўлади, ўғил ёки қизимиз ўзича шуларга тақлид қилади, руҳиятида салбий ўзгаришлар рўй беради.

Зулфия Ибрагимова, Тошкент юридик коллежи маъмурий-ҳуқуқий фаолият бўлими мудирини ёрдамчиси:

— Ўқувчилар учун ишлаб чиқарилаётган сумкалар ҳар томонлама қулайликларга эга бўлиши шарт. Шу билан бирга, уларнинг дизайни, кўриниши ҳам болага ижобий таъсир кўрсатиши кераклигини унутмайлик. Яшириб нима қиламиз, чет элларда ишланган сумкаларда кўз илғамас таҳдид яширинганини сезиш қийин эмас. Бундай савиясиз, мантиқсиз расм-суратлар ўрнига миллий қахрамонларимиз ҳамда машҳур алломаларимиз суратларини, рамз ва тимсоллар ёки бирор математик формулаларни жойлаштириш керак.

Биламиз, биз бугун мулоҳаза юритаётган мавзу айримлар назарида арзимас ёки мактаб ўқувчиси сумкасидаги бачкана, қўрқинчли суратлар оддийгина ҳолат бўлиб туюлиши мумкин. Лекин унутмайлик, маънавий бўшлиқнинг катта-кичиги бўлмайди. У аста-секинлик билан болалар руҳиятини емириб боради.

Барно МИРЗААХМЕДОВА, «Оила ва жамият» муҳбири.

СПОРТ СПОРТ

Марат Жумаев голибликка даъвогар

Ҳиндистонда шахмат бўйича ўтказилаётган халқаро турнирда дунёнинг ўнга яқин мамлакатидан икки юз нафардан зиёд спортчи голиблик учун донна сурмоқда.

Швейцария усулида ўн бир турдан иборат нуфузли мусобақада Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган халқаро гроссмейстеримиз Марат Жумаев еттинчи партиядан сўнг кучли учликка қўшилди. Мағлубиятсиз ўйнаётган тажрибали шахматчимиз Ҳиндистонлик Сатпати Суньясакта, Атул Дахале, Кришнан Рам, Ражапара Анкит, Сахаж Гроверни мот қилиб, арманистонлик гроссмейстер Тигран Петросян ва мезбон шахматчи Сидхард Равичандран билан дуранг ўйнади.

Ҳозирча олти очко билан учинчи ўринни эгаллаб турган Марат Жумаев саккизинчи партиядо арманистонлик гроссмейстер Завен Андрияснга қарши қора доналарда ўйнади.

Осиё полвонлари Тошкентда беллашмоқда

"Ўзбекистон" спорт мажмуида оғир атлетика бўйича клублар ўртасида Осиё чемпионати ва Осиё кубоги мусобақаси бошланди.

Осиё оғир атлетика федерацияси (AWF), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада қитъамизнинг ўндан зиёд давлатидан келган 120 нафарга яқин атлет голиблик учун куч синашмоқда.



Клублар ўртасидаги Осиё чемпионати ва Осиё кубоги мусобақаларида Ўзбекистон шарафини Гнёсиддин Аҳмедов, Улуғбек Олимов, Шерзод Рўзметов, Мадийр Иброҳимов, Зуфар Кодиров, Елена ва Марина Сисоевалар, Маҳлиё Тоғаева, Зилола Бўриева, Нафиса Асқарова, Манзура Мамасолиева каби тажрибали оғир атлетикачилар билан бир қаторда истеъдодли ёш спортчиларимиз ҳам ҳимоя қилмоқда.

Мусобақа қондасига кўра, голиб ва совриндорлар штангани даст ва силтаб кўтариш ҳамда иккикураш натижаси бўйича аниқланади. Ўзбекистонлик спортчилардан терма жамоамиз ҳисобига дастлабки олтин медални Марина Сисоева келтирди. Иқтидорли спортчимиз 48 килограмм вазн тоифасидаги қизлар баҳсида штангани даст, силтаб кўтариш ва иккикурашда энг юқори кўрсаткичларни қайд этиб, учта олтин медални қўлга киритди. Вазни 53 килограммгача бўлган қизлар ўртасида Дилфуза Бакирова учта кумуш, Лола Қодирова эса учта бронза медал билан тақдирланди.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

«МАТВУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Севимли газета-журналларингизни сиз учун қулай манзилга тезда ва узлуксиз равишда етказиб беради!

Энди интернет орқали ҳам обуна бўлишингиз мумкин.
www.akmt.uz

ОБУНАГА КЎМАКЧИ — «МАТВУОТ ТАРҚАТУВЧИ»



МАНЗИЛ:

Тошкент, 100000.
Амир Темур 1-тор кўчаси 2-уй.

Тел \ факс: (+998 71) 233 75 49
(+998 71) 233 67 98.

E-mail: info@akmt.uz

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оналарнинг қўлиб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга толшириш вақти — 15:00. Босишга толширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 237-21-82

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1128. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7588. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусахҳилдар — Саидқул САЙДАЛИМОВ,
Мафтуна МИНГБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5